



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси-4-уй
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20 18 у.г «26» феврал

№ 565-У

Иштихон ш.-г.Иштыхан

Тумандаги Ғ.Ғулом МФЙ ҳудудидаги
“Баландкир” кўчасидан “Болалар боғчаси”
қуриш учун фуқаро Бахтиёров Ихтиёрга ер
майdonи ажаратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибининг тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарорига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнининг маълумот учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги Ғ.Ғулом МФЙ ҳудудидаги “Баландкир” кўчасидан фуқаро Бахтиёров Ихтиёрга 100 (юз) ўринли “Болалар боғчаси” биносини қуриш учун туман ҳокимлиги заҳира ер майdonи ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.20 гектар ер майdonи ажратилсин.

3. Фуқаро Бахтиёров Ихтиёрнинг ер майdonи бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майdonини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов